

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАҲАЛЛА ТИЗИМИНИНГ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

Жўрабоев Н.Ю

ТДТрУ доценти

E-mail: juraboyevnosir4@gmail.com

Аннотация: Мақолада мустақил Ўзбекистонда миллий маҳалла тизимининг шаклланиши ва такомиллашуви таҳлил қилинган. Маҳалла институтининг тарихий илдизлари, ҳуқуқий-меъёрий асослари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ҳамда сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар, шунингдек, маҳалла тизimini янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ёритилган.

Калит сўзлар: Маҳалла, ислохотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши, фуқаролик жамияти, фуқаролар йиғини, ижтимоий ҳимоя, қонун, фармон, қарор.

Abstract: The article analyzes the formation and improvement of the national Mahalla system in independent Uzbekistan. It examines the historical roots of the Mahalla institution, its legal and regulatory framework, its role in socio-political life, recent reforms, and prospective directions for further development of the Mahalla system.

Keywords: Mahalla, reforms, citizen self-governance, civil society, citizen assembly, social protection, law, decree, resolution

Маълумки, фуқаролик жамиятининг энг муим бўғини бўлган маҳалла мамлакатимиз ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Маҳалла узоқ йиллик миллий тарихчилигимиз силсиласида мураккаб йўлни босиб ўтган. Бу атама арабча сўз бўлиб, ўрин-жой, қавм ёки жамоат иттифоқлиқда, ўзаро бир-бирларини қўллаб – қувватлаб яшайдиган аҳоли манзиллини англатади. Адабиётларда маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги ҳақида талай маълумотлар учрайди. Хусусан, Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир қанча маҳаллалар бўлганини қайд этиб ўтган. Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарида эса маҳаллага “шаҳар ичидаги шаҳарча” деб таъриф берилган ҳамда Хирот шаҳри юз шаҳарча аҳамиятига эга бўлган маҳаллалардан ташкил топганлиги қайд этилган. Ёки, тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадиди Тошканд” номли асарида шаҳардаги даҳалар, маҳаллалар тўғрисида қимматли маълумотлар учрайди. Демак, маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиши билан бирга, турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлигидир.

Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб маҳалланинг вазифалари ҳам ўзгариб турган. Аммо ҳар қачон ҳам маросимларни биргаликда ўтказиш, ўз ҳудудини батартиб сақлаш ва ободонлаштириш, ёш авлодни ижтимоий руҳда тарбиялаш, жамият ҳаётида тартиб сақланишини таъминлаш, барча анъанавий меъёрларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, урф-одатларга риоя қилиш ва уларни бузган, жамоат мажбуриятларидан бўйин товлаганларни жазолаш, ариқ-ҳовузларни тозалаш, кўчалар, йўллар қуриш ва маҳалла ободончилиги билан боғлиқ бошқа жамоат ишларини уюштириш, бу ишларнинг барчасини биргаликда - ҳашар йўли билан амалга ошириш унинг асосий вазифалари сирасига кирган.

Мустақиллик йилларида маҳалла тизими давлат ва жамият бошқарувида алоҳида ўрин эгаллаб, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим таянчи сифатида такомиллашди, янги мазмун билан бойитилди. Бугун Ўзбекистонда маҳалла тизимига бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Бош Қомусимизда эса маҳалла фуқаролик жамияти институтлари негизида ҳукукий жиҳатда мустакамлаб қўйилди [1]. Зеро, маҳалла аҳоли билан бевосита ишлашнинг энг самарали ва анъанавий механизми сифатида эътироф этилмоқда. Юртимизда маҳалла институти расмий ном билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деб аталади. Ўзбекистонда фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб усули – маҳалла институти Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини ҳаётга тадбиқ этишда энг муҳим ташкилий-институционал бўғинга айланди [2].

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, юртимизда 9168 та фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг: 8 877 таси - маҳалла фуқаролар йиғини; 161 таси -овул фуқаролар йиғини; 89 таси - қишлоқ фуқаролар йиғини; 41 таси - шаҳар фуқаролар йиғинидан иборат. Фуқаролар йиғинларининг географик жойлашувига тўхталадиган бўлсак, республикамиздаги 1830 та маҳалла фуқаролар йиғини - шаҳарларда, 1205 таси - туман марказларида жойлашган.

Энг кўп - 1000 дан ошиқ маҳаллага эга ҳудуд сифатида Самарқанд вилояти етакчилик қилади. Бу вилоятда ҳозирги вақтда 1100 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Ундан сўнг Тошкент вилояти 1048 та, Фарғона вилояти 1041 та маҳалла билан кейинги ўринларни банд қилган [3].

Ўтган йиллар мобайнида маҳалла тизимининг янада такомиллаштиришнинг ҳукукий асослари яратилди. Хусусан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳукуқи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғини, шаҳарча, кишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилди. Ижтимоий ҳимоя, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш маҳалланинг устувор вазифалари сифатида белгиланди [4].

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралда қабул қилинган «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида, «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-31-сон қарорида, 2022 йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-92-сон Қарорида, 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонида маҳалла тизимини янада такомиллаштиришга доир долзарб чора-тадбирлар белгилаб берилди [5].

Янги Ўзбекистонда маҳалла тизимининг такомиллаштирилиши 2023 йилда «маҳалла еттилиги» ташкил этилиши билан бошланди. Маҳалла еттилиги бу - маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат гуруҳ. Маҳалла еттилиги фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар орасида уларнинг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш кўзда тутилган. Бу тизим доирасида аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш ва давлатнинг жамиятдаги иштирокини кучайтиришдан иборат бир қатор чора-тадбирлар: **биринчидан**, мавжуд инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудлар раҳбарлари ва маҳаллий кенгашлар иштирокида муҳокамалар ўтказилиб, маҳаллаларнинг йўл, сув таъминоти, мактаблар ва болалар боғчалари каби инфратузилма объектларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш; **иккинчидан**, «Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла» рейтингини шакллантириш, солиқ қўмитаси ер ва мулк солиқларини тўлаш даражаси асосида янги рейтингни эълон қилиш. Рейтингда биринчи 100 таликка кирган маҳаллаларга «Ташаббусли бюджет»нинг янги тизими бўйича инфратузилма харажатларининг 75% давлат томонидан қоплаб берилиши; **учинчидан**, 2026 йилдан бошлаб ҳар йили маҳаллаларга 200 миллиард сўмдан маблағ ажратиш; **тўртинчидан**, маҳалла ва туман ҳокимларининг ҳамкорлигини ташкил этиш, туман ҳокимлари «маҳалла еттилиги» билан янги ёндашувлар асосида иш олиб

бориши, маҳаллаларнинг ихтисослашиши ва бандлик лойиҳаларини кенгайтириш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида халқ билан мулоқот қилишда жамият бошқарувининг таянч бўғини бўлган, ислохотлар самараси бевосита акс этадиган маҳалла тизимида ҳар бир фуқаро мурожаатлари билан ишлашнинг “маҳаллабай”, “хонадонбай” каби мутлақо янги механизмлари жорий этилган бўлса, эндиликда эса ушбу ишлар янада такомиллаштирилиб, ҳар бир маҳаллани ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида маҳалларда ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Бу эса Давлат раҳбари таъкидлаганидек, жойларда раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилишига эришишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади. “Маҳаллабай” иш услуби айтилишида аҳоли мурожаатлари ва жамиятдаги кўплаб муаммоларни бартараф этишда жамиятимиздаги барча соҳалар учун энг самарали йўл эканлиги ўз исботини кўрсатмоқда. Мазкур услубнинг ижтимоий шарт-шароити бўғинлардаги оғриқли нуқталарни аниқлаш ва уни бартараф этишда жамоавий ёндашувларни ташкил этиш ҳисобланади. Дарҳақиқат, “Маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишда янги босқични бошлаб берди.

Маҳаллабай ишлаш тизими мураккаб жараён бўлишига қарамасдан, унда ҳар бир инсоннинг дардини тинглаш, унинг қисматини тубдан ўзгартириш, жамият тараққиётини иқтисодий ўсишлар билангина эмас, балки аҳолининг ўз ҳаётидан мамнунлиги билан ўлчаш каби мезонлар мавжуд. Ушбу тизим ўз навбатида, сиёсий чақирув ҳам ҳисобланади. Унга кўра ижтимоий-иқтисодий реформалар, ички ва ташқи ресурслар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар, турли идора ва ташкилотларнинг «фаолият йўлаклари» маҳаллалар кесимида ташкил этилади. Шунинг натижасида айтилиши мавқияда юртимиздаги барча соҳалар фаолиятида ва кечаётган ўзгаришлар моҳиятида “маҳаллабай” сўзининг аҳамияти кундан кун ортиб бормоқда. Республикадаги барча ташкилот ва идораларнинг мазкур амалиёт натижасида жойларда ташкил этаётган иш фаолияти айнан маҳаллалардаги ўзгаришлар ва бу орқали мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, маҳалладаги мавжуд муаммолар ва аҳолининг кундалик масалаларини ҳал этиш биргина маҳалла тизими ходимлари томонидан бартараф этиш имконсиз. Бу жараёнда ҳар бир соҳа масъулларининг иштироки ва аралашуви муҳим ғоят муҳимдир. Жойларда олиб борилаётган маҳаллабай ишлаш механизмнинг асосини ана шу тамойил - барча соҳа вакиллариининг ҳамжиҳат бўлиб, ҳудудлардаги масалаларни ечишга комплекс ёндашиши тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, маҳалла тизимини такомиллаштиришда кадрлар салоҳиятини ошириш,

ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда жамоатчилик ташаббусларини куллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан бўлиб, шу билан бирга, маҳалланинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш ва унинг жамоадаги нуфузини янада ошириш истиқболли йўналишлар сифатида намоён бўлмоқда.

Маҳалла тизимини такомиллаштириш, унинг халқаро мавқеини янада юксалтириш ва фуқаролик жамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида 2025 йилнинг 2-5 октябрь кунлари Самарқандда “Аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусидаги I халқаро конференция ва унда муҳокама қилинган масалалар алоҳида эътирофга лойиқдир.

Давлатимиз раҳбарининг “Камбағалликдан фаровонлик сари” ғояси асосида ташкил этилган тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТ Тараққиёт дастури (UNDP), БМТ Болалар жамғармаси (UNICEF), АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) каби халқаро ташкилотлар ва йигирмадан ортиқ давлат вакиллари, хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчилари, бир қатор вазирлик ва идоралар масъуллари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалаларда маҳалланинг иштироки, “маҳалла еттилиги” фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Конференция якунлари бўйича БМТнинг юртимиздаги ваколатхонаси ва бошқа ҳамкор халқаро ташкилотлар томонидан якуний декларация имзоланди. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қароргоҳида мазкур декларация 194 давлат вакиллари томонидан расмий ҳужжат сифатида қабул қилинди. “Ушбу декларациянинг БМТ томонидан расмий ҳужжат сифатида қабул қилиниши, аввало, мазкур анжуман нуфузини билдиради, – дейди Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Шерали Йўлдошев. – Асосийси, бу орқали Ўзбекистондаги маҳалла тизими бошқаруви, мазкур тузилманинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни эътироф этилди, дейиш мумкин”.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистоннинг маҳалла тизими, бу борада сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар билан биргаликда маҳаллалар уюшмасининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда келгусида ҳаётга татбиқ этиладиган режалари акс этган. Олти расмий тилда эълон қилинган ҳужжатда Янги Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан маҳалланинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, унинг ролини кучайтириш ва ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари сифатида фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган изчил ва тизимли ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси ташкил этилиши ва “Маҳалла еттилиги” фаолиятининг йўлга қўйилиши муносабати билан маҳалла раиси, ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича фаол, ёшлар етакчиси, солиқ инспектори ва ижтимоий ходимнинг ҳамкорликда ишлаши эътироф этилди. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ва жадал ислохотлар, жумладан, маҳалланинг роли сезиларли даражада ошгани, унинг маҳаллий муаммоларни ҳал этишда биринчи бўғин сифатида фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, мустақил ва адолатли тузилмага айлантирилгани юксак баҳоланди.

Декларацияда конференция хулосалари сифатида халқаро ташвиқотни кучайтириш ва жаҳон ҳамжамиятини Ўзбекистонда мавжуд ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос “Маҳалла” тизими билан таништириш, шунингдек, халқаро ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маҳалла тизими ходимлари фаолиятини давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, фуқаролар ўртасида тинчлик, миллатлараро дўстлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасида халқаро ташкилотлар ва Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналар билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги қайд этилди [6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йилги Мурожаатномасида 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номлаш таклиф этилди [7]. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан йилга берилган ном рамзий эмас, балки аниқ дастурий мазмунга эга. Бу йил доирасида маҳалла инфратузилмаси учун 20 триллион сўм, оғир шароитли 33 туман ва 330 маҳалла учун 8,5 триллион сўм ҳамда маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишга қаратилган янги молиявий механизмлар жорий этилиши таъкидланди. Шунингдек, маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш 2026 йил учун устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди [8]. Маълумки, 2025 йилнинг 14 октябар куни Президент раҳбарлигида маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилишда “Янги Ўзбекистон” қиёфаси кириб борадиган 33 та туман ва 330 та оғир маҳалла белгилаб олинган ва бу туманларнинг ҳар бирига 100 миллиард сўм, ҳар бир маҳаллага эса 5 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилган эди. Шунингдек, Жаҳон банки ва Ислом тараққиёт банкидан жалб қилинган 100 миллион доллар ҳам мазкур мақсадларга йўналтирилиши, дастурни молиялаштириш учун жами 7 триллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиши қайд этилган эди.

Дарҳақиқат, маҳалла ва яхши қўшничилик ўзаро уйғун қадриятлардир. Зеро, тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало ана шундай бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгиб ўтган. “Маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва

хамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади”, – деди Президентимиз. Бинобарин, кириб келаётган 2026 йил давлат бошқаруви, суд-хукук тизими, иқтисодиёт тармоқлари, таълим, илм-фан, тиббиёт, маданият, спорт, экология тизимини – барча-барча соҳаларни ривожлантиришда туб бурилиш йили бўлади.

Давлатимиз раҳбари 2026 йилда амалга ошириладиган энг муҳим устувор йўналишларга тўхталар экан, маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш, маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш орқали мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш ишларини давом эттириш, келгуси йилдан маҳаллани ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув жорий этилиши, урбанизация ва шаҳарларни барқарор ривожлантириш бўйича янги ислохотлар бошланишини таъкидлаб ўтди.

2026 йилни мамлакатимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан жорий йилнинг 16 фералида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурлари тўғрисида” ги Фармонида (ПФ-22-сон) куйидагилар маҳаллани ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган устувор ислохотларнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

а) маҳаллаларда 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш орқали қўшимча 100 минг янги иш ўрнини яратиш;

б) камбағаллик ва ишсизликдан ҳоли маҳаллалар сонини 3,5 мингтага етказиш;

в) маҳаллалар инфраструктурасини такомиллаштиришга 20 триллион маблағ йўналтириб, уларга янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш;

г) маҳаллалардаги муаммоларни бир вақтнинг ўзида тезкор ҳал этишда барча давлат органларига масъулиятни юклаб, мжрони 24/7 режимида назорат қилиш амалиётини йўлга қўйиш [9].

Кўриниб турибдики, келгусида миллий маҳалла тизимини янада такомиллаштириш борасида катта вазифалар белгиланган ва албатта, биз меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз билан унинг қиёфасига янги Ўзбекистон руҳини олиб кириш бўйича бор куч-гайратимизни сафарбар қиламиз.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла миллийлигимиз тимсоли ҳамда кадрятлар ва урф-одатларни авлоддан авлодга етказувчи ижтимоий макон сифатида, ўзлигимизни англашга, миллий ғурур ва ватапарварликни юксалтиришга ва юртимизда ижтимоий ҳамкорлик маскани сифатида шарқона демократиянинг ядроси бўлиб хизмат қилиб

келмоқда ва мазкур тизимининг изчил юксалиб бориши мамлакатимизда барқарор ижтимоий ривожланишни таъминлашда муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2023 й.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, 2021 й.
3. <https://darakchi.uz/uz/112671>
4. “Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлири тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - 915-ХП-сон. 02.09.1993 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. - ПФ-60-сон. 28.01.2022 й.
6. https://uza.uz/uz/posts/mahalla-tizimining-xalqaro-etirofi_660685
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – 2025 йил, 26-декабрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. - ПФ-60-сон. 28.01.2022 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурлари тўғрисида” ги Фармони - ПФ-22-сон. 16.02.2026 й.